

ШАРТНОМА № 68

(Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш)

Тошкент ш.

“05” 05 2022 йил

“Тошкент шаҳар минтақавий ёлларга буюртмачи хизмати” ДУК (кейинги о’ринларда Буюртмачи) номидан Устав асосида иш юритувчи директор **О.Абдуназаров** бир томондан ва “O’zuo’lloyiha loyiha qidiruv instituti” ДУК (кейинги ўринларда Бажарувчи) номидан 2021 йил 15 октябрдаги 196-сонли буйруқ асосида иш юритувчи директор ўринбосари **О.Раджабов** иккинчи томондан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги 2022-2026-йилларда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш чоратadbирлари тўғрисидаги №ПҚ-172-сонли қарори бўйича бюджет маблағлари ҳисобидан жорий таъмирлаш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва ижобий экспертиза ҳулосасини олиш (кейинчалик объект) ишларини бажаришга доир амалдаги Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли қонунига асосан харид.узех.уз махсус ахборот портал орқали (Лот рақами 73750) эълон қилинган ва “Тошкент минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК харид комиссиясининг 2022 йил 05 даги баённомасига асосан қуйидаги шартномани туздилар:

1. Шартнома предмети ва муддати.

1.1. Бажарувчи **Бектемир тумани Намуна МФЙ Намуна кўчасини жорий таъмирлаши лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертиза ҳулосасини олиш** мажбуриятини, Буюртмачи эса уни қабул қилиб олиш мажбуриятини олади.

1.2. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларини Ўзбекистон Республикасида белгиланган ҳуқуқ ва қонун талабларига асосан амалга оширилади.

1.3. Бажарувчи шартнома бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқади, шу жумладан учинчи шахсни ёллаган ҳолда белгиланган тартибда лойиҳа-смета ҳужжатларини давлат экспертизасидан ўтказилади.

1.4. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларини Буюртмачи томонидан тақдим этилган бирламчи маълумотлар асосида шартнома ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика Ғазначилиги ёки унинг ҳудудий бошқармаларида рўйхатдан ўтган кундан бошлаб шартноманинг 2-иловаси “Бажариш ва молиялаштириш жадвали”да белгиланган муддатларда бажаради.

1.5. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлари бўйича давлат ва зарур бўлганда бошқа тегишли экспертиза ҳулосасини олгандан сўнг, ишларни бажариш муддати даврида 3 (уч) нусхада мазкур лойиҳа ва қидирув ишлари ҳужжатларини Буюртмачига тақдим этиши керак.

1.6. Иш жараёнида келишилган асосий лойиҳавий ечимларни буюртмачига топширилади.

2. Шартнома баҳоси ва тўловлар қоидалари.

2.1. Шартноманинг баҳоси шартнома тарафларининг келишуви (1-илова)га асосан **ҚҚС билан 6 448 200 (олти миллион тўрт юз қирқ саккиз минг икки юз) сўмни** ташкил этади ва мазкур шартноманинг 2-иловасидаги “Бажариш ва молиялаштириш жадвали”га мувофиқ бажарилади.

2.2. Буюртмачи шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика Ғазначилиги ёки унинг ҳудудий бошқармаларида рўйхатдан ўтгандан сўнг 5 кун мобайнида шартнома баҳосининг 30 фоиз миқдорида аванс тўловини амалга оширилади.

2.3. Шартнома бўйича қолган маблағ, Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлари давлат ва зарур бўлганда бошқа тегишли экспертизаси ҳулосасини олиб, Буюртмачига тақдим этгандан сўнг, топшириш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилиб, 15 кун мобайнида дастлаб тўланган аванс маблағи (шартнома баҳосининг 30 фоизи миқдорида) ушлаб қолиниб, Буюртмачи томонидан қабул қилинган ҳисоб-фактура (счёт-фактурага асосан) молиялаштирилади.

2.4. Шартноманинг баҳоси узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
- ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

Дастлабки ҳисобланган смета ҳужжатларига экспертиза ҳулосаси олингандан сўнг, лойиҳа-смета ҳужжатлари баҳоси (маҳаллий бюджетдан молиялаштирилганда Тошкент шаҳар молия бошқармаси) Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) халқ депутатлари қарорларига ёки Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган манзилли рўйхатга асосан Буюртмачи ва Бажарувчи розилиги билан заруратга кўра ушбу шартномага қўшимча келишув имзолаш ёғли билан ўзгартириш киритиш мумкин.

3. Томонлар мажбуриятлари.

3.1. Буюртмачи барча ишлар бажарилиб бўлингандан кейин белгиланган нархнинг ҳаммасини Бажарувчига тўлаши ёки ишларининг айрим босқичлари тугатилганидан кейин нархнинг тегишли қисмини тўлаши, тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан кўзғатилган даво юзасидан ишда қатнашишига Бажарувчини жалб қилиши шарт.

3.2. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган бирламчи маълумотларни (нуқсонлар қайдномаси ёки ижро ҳужжатлари, пудрат ташкилотининг ўртача иш ҳақи, ишлатиладиган машиналар, механизмлар ва техник кўрсаткичларга эга транспорт воситалари, уларнинг ишлаш харажатлари кўрсаткичлари, пудратчининг бошқа харажатларини) тақдим қилади.

3.3. Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бирламчи маълумотларни 10 (ўн) иш куни мобойнида ўрганиб чиқиши ҳамда берилган маълумотларда камчиликлар аниқланса Буюртмачига маълум қилишни ўз зиммасига олади.

Агар Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бирламчи маълумотларда аниқланган камчиликларни, 10 (ўн) иш куни муддат ичида Буюртмачига маълум қилмаса, маълумотлар қабул қилинган деб ҳисобланади ва бундай ҳолат Бажарувчи ишларини бажариш муддатини ўзгартиришга асос бўла олмайди.

3.4. Бажарувчи лойиҳа-смета ишларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари ва бажарилган қидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Агар лойиҳа-смета ҳужжатлари ёрдамчи ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган бўлса камчиликлар аниқланган тақдирда Бажарувчи, ёрдамчи ташкилот билан бирга ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатлари учун тўлиқ жавоб беради ва Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиш ва шунга мувофиқ зарур қўшимча ишларни бажариши шарт.

3.5. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ўз вақтида ўтказилмаган ҳолда ёки дастлабки маълумотларни тақдим қилиш кечиктирилганда ишларни тугаллаш муддати тўлов ёхуд тақдим кечиктирилган вақтга қадар узайтирилади.

3.6. Бажарувчи лойиҳанинг асосий ечимларини Буюртмачи билан биргаликда тегишли идоралар ва ташкилотлар билан келишилади.

4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби.

4.1. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлари бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси билан лойиҳалаш учун топшириқда кўзда тутилган ҳужжатлар тўпламини топширади.

4.2. Буюртмачи ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси ва мазкур шартноманинг 4.1- бандида кўрсатилган ҳисобот ҳужжатларини олгандан сўнг 10 (ўн) кун мобайнида ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборишни ўз зиммасига олади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун муддат ичида Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган

ҳисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.

4.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларини бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун мобайнида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт.

4.5. Лозим топилган ҳолларда томонлар ҳолис экспертларга лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича хулоса учун мурожат қилиши мумкин.

5. Конфидентсиал маълумотларни ҳимоялаш.

5.1. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларининг бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфидентсиал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

6. Низоларни ҳал этиш.

6.1. Шартнома амал қилиш давомида юзага келадиган низоларни тарафлар ўзаро музокара йўли билан ҳал этади. Музокара натижасида келишувга келинмаган тақдирда низолар тарафлар томонидан Тошкент туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси бериш ва ишни судда кўриб чиқилиши натижасида ҳал қилинади.

7. Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш.

7.1. Мазкур шартномага қўшимча битим кўринишидаги ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда қилинган ҳамда томонлар (ёки томонлар номидан вакиллар) имзолаган ҳолдагина Ғазначиликда рўйхатдан ўтказилганидан кейин юридик кучга эга бўлади.

7.2. Шартнома тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин. Шартнома ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги келишув ёзма шаклда амалга оширилади. Шартномани бажаришдан бир тарафлама бош тортишга ёки шартноманинг шартларини бир тарафлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

7.3. Бир тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

8. Форс-мажор.

8.1. Форс-мажор вазиятлари пайдо бўлиши муносабати билан мазкур шартномадаги томонлар мажбуриятлари бутунлай бажарилмаса ёки қисман бажарилса, мажбуриятларни бажариш муддатлари бундай вазиятлар таъсир этиши вақтига мутаносиб равишда узайтирилади.

9. Қўшимча шартлар.

9.1. Бажарувчи Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларини муддатидан олдин бажарганида, Буюртмачи уни Шартноманинг 4-бандига асосан қабул қилади ва тўла тўловни амалга оширади.

9.2. Бажарувчи Шартнома шартларини бажариш учун, Шартномада белгиланган муддатларга риоя қилинишини инобатга олган ҳолда ҳамда Буюртмачи билан келишилган ҳолда, ёрдамчи ташкилотларни жалб қилиши мумкин.

9.3. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва ишларни топширилганда шартлашилган ҳақи кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди,

бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

9.4. Бажарувчи томонидан лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ўз вақтида бажарилмай мажбуриятлар бузилган бўлса, Бажарувчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

9.5. Тўланган пеня тарафларни ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

9.6. Шартнома ўзбек тилида икки нусхада тузилди ва ҳар иккала нусхаси ҳам бир хил юридик кучга эга бўлади.

9.7. Шартнома 31.12.2022 йилга қадар амал қилади.

9.8. Шартномага қуйидагилар илова қилинади:

1-илова - Шартнома баҳосининг келишуви баённомаси;

2-илова - Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишни бажариш ва молиялаштириш жадвали.

10. Томонларнинг манзили ва ҳисоб рақамлари

“Буюртмачи”

“Тошкент шаҳар минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК

100000.Тошкент шаҳри,
Мирзо Улуғбек тумани
Мустақиллик шоҳ кўчаси 68-уй
Тел:237-57-08
Ш/х: 3045 2186 0262 6970 45 129 118 018
ИНН: 304 893 532 ОКЕД: 71120
Ўзбекистон Республикаси Молия
Вазирлиги Ғазначилигининг Амалиёт Бошқармаси
х/р: 2340 2000 3001 0000 1010
МФО 00014 ИНН 201129919

Директор _____ О.Абдуназаров



“Бажарувчи”

“O'zyo'lloyiha loyiha qidiruv instituti” ДУК

100000, Тошкент шаҳри,
Мирзо Улуғбек тумани
Мустақиллик шоҳ кучаси 68-уй
Тел: 71-237-15-08
Х/р: 2021 0000 7009 2163 2001
АТИБ «Ипотека банк»
Яшнобод туман филиали
МФО: 00959, ИНН 305 756 527

Директор
ўринбосари _____

О.Раджабов



2022-йил «05» 05 даги
68 -сонли шартномага 1 - илова

Шартнома баҳосини келишуви

БАЙОМНОМАСИ

Биз, қуйида имзо қўювчилар Бектемир тумани Намуна МФЙ Намуна кўчасини жорий таъмирлаши лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертиза ҳулосасини олиш бўйича 2022 йил «05» 05 даги 68 -сонли шартнома баҳоси ҚҚС билан ҚҚС билан 6 448 200 (олти миллион тўрт юз қирк саккиз минг икки юз) сўмни ташкил қилади.

Ушбу баённома Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасида узаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун асос ҳисобланади.

“Буюртмачи”

“Тошкент шаҳар минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК

100000. Тошкент шаҳри,
Мирзо Улуғбек тумани
Мустақиллик шоҳ кўчаси 68-уй
Тел: 237-57-08
Ш/х: 3045 2186 0262 6970 45 129 118 018
ИНН: 304 893 532 ОКЕД: 71120
Ўзбекистон Республикаси Молия
Вазирлиги Ҳазначилигининг Амалиёт Бошқармаси
х/р: 2340 2000 3001 0000 1010
МФО 00014 ИНН 201129919

Директор

О.Абдуназаров



“Бажарувчи”

“O'zyo'lloyiha loyiha qidiruv instituti” ДУК

100000, Тошкент шаҳри,
Мирзо Улуғбек тумани
Мустақиллик шоҳ кўчаси 68-уй
Тел: 71-237-15-08
Х/р: 2021 0000 7009 2163 2001
АТИБ «Ипотека банк»
Яшнобод туман филиали
МФО: 00959, ИНН 305 756 527

Директор
ўринбосари

О.Раджабов



2022 йил "05" 05 даги
68 -сонли шартномага 2 -илова

Бектемир тумани Намуна МФЙ Намуна кўчасини жорий таъмирлаши лойиха-смета хужжатларини
ишлаб чиқиш ва экспертиза хулосасини олиш

БАЖАРИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ

сўм

№	Бажариладиган ишларнинг номи	Қиймати	Бажариш		Молиялаштириш муддати
			муддати	қиймати	2022 йил
	Аванс миқдори				1 934 460
1	Лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш ва ижобий экспертиза хулосасини олиш	6 448 200	Шартнома Ҳазначилик амалиёт бошқармасидан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб 7 кун*	6 448 200	4 513 740
	Жами:	6 448 200		6 448 200	6 448 200

*-Белгиланган муддат шартнома тегишли Ҳазначилик амалиёт бошқармасидан рўйхатдан ўтгандан кундан бошлаб ҳисобланади.

Буюртмачи



Бажарувчи



Коррупсияга қарши шарт

1.1. Томонлар:

- Томонлар, уларнинг афилланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари, ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришлари давомида коррупсияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузулишига олиб келинадиган ва/ёки коррупсия характериға эға бўлган, шу жумладан (аммо бу билан чекланмай) пора бериш ёки беришни вада қилиш, таъмагирлик, пора олишға бевосита ёки билвосита рози бўлиш хатти ҳаракатлари/ҳаракатсизликларини содир этмайдилар.

- Томонлар, уларнинг афилланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари бошқ томоннинг ходимлари ёки ваколатланган вакилларини қандайдир тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул суммалари, совғаларни тақдим этиш, уларнинг манзилиға хизматларини беғараз кўрсатиш ёки бу ходим ёки ваколатланган вакил томонидан уни рағбатлантирувчи томон фойдасиға қандайдир хатти ҳаракатларни/ ҳаракатсизликлар бажарилишини таъминлашға қаратилган ишларни бажаришдан вос кечадилар деб маълум қиладилар.

1.2. Томонлар ушбу илованинг 1.1 бандидаги талабларни бузиш содир этилганлиги ёки содир этилиши мумкинлиги тўғрисидаги шубҳалар юзаға келган ҳолда, тегишли томон бу ҳақда иккинчи томонни хабардор қилиш, коррупсия билан курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг нормалари бузилганлиги фактининг рад этиб бўлмайдиган далиллари мавжуд бўлган ҳолда эса амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатланган органларни ҳам хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасиға олади.

Буюртмачи



Бажарувчи



“ТАСДИКЛАЙМАН”
“Тошкент шаҳар минтақавий йўлларга
буюртмачи хизмати” ДУК директори, комиссия раиси
 **О.Абдуназаров**

“Тошкент шаҳар минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК жорий таъмирлаш ишлари бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертиза ҳулосасини олиш бўйича хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида танлов ўтказиш бўйича комиссия йиғилиши

БАЁННОМА СИ № 2

Тошкент ш.

2022 йил “5” 05

Иштирок этилар:

Комиссия раиси: “Тошкент шаҳар минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК директори **О.Абдуназаров**

Комиссия аъзолари:

“Тошкент шаҳар минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК бош муҳандиси	М.Сирожиддинов
Лойиҳа таъминоти бўлими бошлиғи	Б.Ибрагимов
Ишлаб чиқариш техник бўлими бошлиғи	Н.Юсупов
Техник кузатиш ва бажарилган ишларни қабул қилиш бўлими бош мутахассиси	С.Икромхўжаев
Молия-иқтисод бўлими бошлиғи	Ж.Искандаров
Тендерларни ташкил этиш ва шартномалар бўлими бош мутахассиси	С.Аббосов

КУН ТАРТИБИ:

“Тошкент шаҳар минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК жорий таъмирлаш ишлари бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертиза ҳулосасини олиш бўйича

(О.Абдуназаров, М.Сирожиддинов, Ж.Искандаров, С.Икромхўжаев, Н.Юсупов, Б.Ибрагимов, С.Аббосов)

ТШМЙБХ ДУК 2022 йил 19 апрелида Ўзбекистон Республикаси товар ва хом-ашё биржасининг электрон порталига жорий таъмирлаш ишлари бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертиза ҳулосасини олиш бўйича 74299, 74302, 74313, 73799, 73807, 73809, 73789, 73791, 73795, 73754, 73756, 73758, 73762, 73765, 73769,

73732, 73738, 73741, 73749, 73750, 73730, 73731 – лот рақамлари билан эълонлар жойлаштирилди. Мазкур лот бўйича 2022 йил 28 апрельдаги энг яхши таклифларни танлаш савдосини ўтказиш бўйича давлат харидлари комиссиясининг электрон портали орқали шаклланган “**жорий таъмирлаш ишлари бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертиза хулосасини олиш**” баённомасига асосан эълон якунига кўра Комиссия аъзолари томонидан “Замонавий йўл лойиҳа” МЧЖ, “Ўзйўллойиҳа лойиҳа қидирув институти” ДУК ва “Фарғона автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш институти” МЧЖлар тегишли лотлар бўйича ғолиб деб топилганлигини инобатга олиб;

КАРОР КИЛИНДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684 – сонли Қонуннинг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш кунини давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.
2. ТШМЙБХ ДУК Тендерларни ташкил этиш ва шартномалар бўлими бош мутахассиси С.Аббосовга:
Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда комиссия аъзоларининг 2022 йил 28 апрельдаги электрон баённомасига асосан тегишли лотлар бўйича ғолиблар “Замонавий йўл лойиҳа” МЧЖ, “Ўзйўллойиҳа лойиҳа қидирув институти” ДУК ва “Фарғона автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш институти” МЧЖ лар билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин. Ҳамда хизмат кўрсатиш сифат даражаси назоратга олинсин.

Комиссия аъзолари

М.Сирожиддинов

Ж.Искандаров

Б.Ибрагимов

Н.Юсупов

С.Икромхўжаев

С.Аббосов